

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АКРАМОВ АБДУВАЛИ МАМАТХОНОВИЧ

**ТЎҚУВ ДАСТГОҲИДА СОЧИҚБОП ТЎҚИМА ОЛИШ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва
хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Акрамов Абдували Маматхонович

Тўқув дастгоҳида сочиқбоп тўқима олиш параметрларини
оптималлаштириш 3

Акрамов Абдували Маматхонович

Оптимизация параметров при выработке вафельных тканей на ткацком
станке 21

Akramov Abduvali

Optimization of parameters in the production of waffle fabrics on a loom 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АКРАМОВ АБДУВАЛИ МАМАТҲОНОВИЧ

ТЎҚУВ ДАСТГОҲИДА СОЧИҚБОП ТЎҚИМА ОЛИШ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

**05.06.02 - “Тўқимачилик материаллари технологияси ва
хомашёга дастлабки ишлов бериш”**

ТЕХНИКА ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.2.PhD/T1645 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва "Ziyonet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ахунбабаев Охунжон Абдурахманович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ҳолиқов Қурбонали Мадаминович техника фанлари доктори, профессор Дониёрова Матлуба Адашбоевна техника фанлари номзоди, доцент
Етафчи ташқилог:	Андижон машинасозлик институти

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "26" март соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди.(Манзил 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.(69) 225-10-07, факс; (69) 228-76-75, e-mail: nei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин.(454-рақам билан рўйхатга олинган) Манзил 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси,7-уй. тел: (69) 225-10-07.

Диссертация автореферати 2022- йил "14" март кунни тарқатилди.
(2022 йил "14" мартдаги № 67- рақамли реестр баённомаси).



Р.М.Муродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Х.Т.Бобожанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., доцент

К.М.Ҳолиқов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тўқимачилик маҳсулотлари бозорига, айниқса сочиқбоп тўқима матоларини ишлаб чиқариш ва мазкур жараёнларни амалга оширишга янги технологияларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида йилига 108,3 млн. кв.м.дан кўп тўқима матолари ишлаб чиқарилиб, бутун тўқимачилик бозорининг 4 % ини ташкил қилади¹. Тўқимачилик саноати Шарқий ва Жанубий Осиё, МДХ, АҚШ ва Европа минтақасидаги давлатларда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Шу жиҳатдан, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш, тўқимачилик маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш, маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш масалаларини ҳал этиш тўқимачилик саноатни ривожланишида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланиди.

Жаҳон тажрибасида тўқималар турларини кўпайтириш, уларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш катта аҳамият касб этиб бормоқда. Бу борада, тўқув дастгоҳларининг технологик имкониятларидан кенг фойдаланиш, технологик жараёнларни автоматлаштириш, дастгоҳнинг иш унумдорлигини ошириш, тўқув дастгоҳи механизмларини такомиллаштириш, тўқима тузилишига қўшимча элементлар киритиб, хусусиятлари ва сифат кўрсаткичларини яхшилашга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада тўқимачилик саноати олимлари ва мутахассислари олдида янги тўқималарини ишлаб чиқаришда ресурстежамкор технологияларни жорий этиш, ип-газлама тўқув дастгоҳларининг технологик имкониятларидан самарали фойдаланиш ва маҳаллий хомашёдан рақобатбардош, истикболли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз тўқимачилик саноатини модернизация қилиш, соҳада меҳнат ҳамда энергия сарфини камайтириш, янги тузилишдаги ип-газлама маҳсулотларини олишнинг янги усулларини яратиш ҳисобига тўқув дастгоҳларининг технологик имкониятларини кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган тўқима турларини кўпайтириш ва уларнинг сифатини ошириш юзасидан кенг қамроқли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларида Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ...ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган². Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан маҳаллий хомашёлардан самарали ва тўлиқ фойдаланиш ҳамда юқори, қўшимча

¹ <https://data.world/imf/international-financial-statis>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

кийматли, тўқимачилик маҳсулоти тайёрлашга мўлжалланган ишлаб чиқаришни интеграция қилишни назарда тутувчи ривожланишнинг Кластер моделини амалга ошириш ҳисобига импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп, рақобатбардош, сифатли ип-газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 февралдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4186-сонли Қарори, 2019 йил 16 сентябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4453-сонли Қарори, 2020 йил 5 майдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5989-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тўқув дастгоҳларида бажариладиган технологик жараёнлар, ишлаб чиқарилган тўқималарнинг тузилиши, уларни лойиҳалаш ва тахтлаш кўрсаткичларини оптималлаштиришни тадқиқ қилиш бўйича хорижда М.Нerty, P.J.Pothoff, W.Renkens, S.A.Sharzehee, В.А.Гордеев, П.Т.Букаев, Э.А.Оников, Н.Г.Новиков, О.С.Кутепов, Ю.Ф.Ерохин, С.Д.Николаев, А.А.Мартынова, Н.Р.Сурнина, С.В.Ломов, М.В.Горячев, Г.Б.Дамянов, Г.И.Линуаева, Г.В.Степановлар ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Тўқувчилик технологияси, тўқималар тузилиши, ва тўқима ишлаб чиқариш параметрларини оптималлаштириш бўйича юртимиз олимларидан Е.Ш.Алимбаев, Х.А.Алимова, Ф.А.Велиев, О.А.Ахунбабаев, А.Д.Даминов, С.А.Ҳамраева, Ғ.Н.Валиев, П.С.Сиддиқов, Б.Х.Баймуратов, Д.Н.Қодирова, Б.К.Хасанов, С.С.Рахимходжаев ва бошқалар томонидан бажарилган.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, сочиқбоп тўқималар, айниқса вафел ўрилишли газламалар ассортиментини кенгайтириш, уларнинг хусусиятларини таҳлил қилиш, вафел ўрилишли тўқималар олиш жараёнида танда иплар таранглигини ўзгариш қонуниятлари бўйича тадқиқотлар назарий ва амалий жиҳатдан етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ЁАЗ-ФҚ-0-24231 “Янги ассортиментдаги мураккаб структурали пишитилган иплардан вафелли ва

момик сочиқ тўқима матосини олиш” (2014-2015) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Тўқув дастгоҳида вафел ўрилишдаги сочиқбоп тўқималарнинг янги турларини яратиш ва параметрларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавжуд вафел ўрилишли сочиқбоп матолар негизида кўп қиррали ўрилиш таркибини ишлаб чиқиш;

замонавий VAMATEX тўқув дастгоҳида кўп қиррали вафел ўрилишлар учун дастур ишлаб чиқиш;

олинган янги вафел ўрилишдаги сочиқбоп матоларнинг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

тўқув дастгоҳларида танда ипларининг оптимал технологик параметрларини аниқлаш;

юқори сифатли сочиқбоп вафел ўрилишли матоларни ишлаб чиқаришда тўқув дастгоҳида танда ипи таранглик кўрсаткичларини тадқиқ этиш ва асослаш.

Тадқиқот объекти сифатида тўқув дастгоҳлари, вафел ўрилишли сочиқбоп тўқималар, танда иплари олинган.

Тадқиқот предмети янги сочиқбоп вафел ўрилишли тўқимани лойиҳалаш ва уларнинг физик-механик хусусиятлари, тўқув дастгоҳидаги танда ипи таранглигини тадқиқ этишни ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида кўйилган вазифаларни ечишда назарий ва экспериментал усуллардан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида тўқув технологияси, тўқимачилик материалшунослиги, тўқима тузилиш назарияси, назарий механика ва амалий математика усуллари ҳамда компьютер дастурий таъминотидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

VAMATEX тўқув дастгоҳида амалдаги тўқима ўрилишларини ўзгартириш ҳисобига кўп қиррали, янги вафел ўрилишдаги сочиқбоп тўқималар олинган ва тўқима тахтлашнинг электрон дастури ишлаб чиқилган;

оддий вафел ўрилишли сочиқбоп матолардан фарқли равишда танда ва арқоқ йўналишидаги иплар қопланишини ошириб, янги вафел ўрилишдаги кўп қиррали, 22 % га нам шимиш ва 12,3 % га ишқаланишга чидамлилиги юқори бўлган сочиқбоп тўқима олинган;

янги ассортиментдаги кўп қиррали ўрилиш учун тўқиманинг тўла тахтлаш тасвири ишлаб чиқилган ҳамда намуналар орасидан танда ва арқоқ йўналишлари бўйича ўрилиш қопламларини кўпайтириш натижасида тўқиманинг гигроскопик хусусияти танда бўйича 18% га, арқоқ бўйича 22 % га юқори бўлиши аниқланган;

тўқув дастгоҳидаги танда ипларининг таранглигини аниқлаш учун мавжуд асбоблардан фарқли равишда, таранглик ўзгаришларини юқори

аникликда ўлчаш имкониятига эга, микрорақамли ўзгартиргичлардан иборат, дастурлашган махсус ўлчаш мосламаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

вафел ўрилиши негизида кўп қиррали вафел ўрилишли тўқиманинг такомиллаштирилган тузилиши ишлаб чиқилган;

ҳаво ўтказувчанлиги, сув шимувчанлиги, ишқаланишга чидамлилиги, узиш кучи каби юқори эксплуатацион хоссаларни ўзида мужассамлаган янги вафел ўрилишли сочикбоп тўқималар намуналари VAMATEX тўқув дастгоҳида ишлаб чиқарилган;

тўқувчилик жараёнида танда иплари таранглигини дастгоҳнинг турли зоналарида назарий жиҳатдан тадқиқ этилган;

тўқув дастгоҳининг турли зоналарида танда иплари таранглигини аниқ кўрсаткичларини олиш учун махсус дастурлашган мослама яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда келтирилган илмий хулосалар ва тавсиялар, назарий ҳамда экспериментал тадқиқот натижаларининг бир-бирига мос келиши, апробация ва жорий қилинишидаги ижобий натижаларни солиштириш, баҳолашга, уларнинг адекватлигига, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари, шунингдек, уларнинг кўриб чиқиладиган соҳасидаги маълумотларига қиёсий таҳлили билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти вафел ўрилиши негизида кўп қиррали янги таркибий тузилишдаги тўқималарнинг ишлаб чиқилганлиги, тўқув дастгоҳи учун кўп қиррали вафел ўрилишлари учун махсус дастур ишлаб чиқилганлиги ва тўқув дастгоҳида танда иплари таранглик кўрсаткичларини аниқ ўлчаш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларини асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти юқори сифатли янги тузилишдаги сочикбоп вафел ўрилишли тўқималарни ишлаб чиқаришни мақбул технологияларининг ишлаб чиқарилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.Тўқув дастгоҳларида янги вафел ўрилишдаги муайян хусусиятли сочикбоп тўқималарни олишни такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

кўп қиррали вафел ўрилишли янги сочикбоп матоларни уч хил намунасини “Art Soft TEX” МЧЖ корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилган (“O’zto’qimachilik sanoat” уюшмасининг 2022 йил 06 январдаги №03/25-159 сонли маълумотномаси). Натижада янги ассортиментдаги кўп қиррали вафел ўрилишдаги сочикбоп мато ишлаб чиқарилган;

вафел ўрилишли янги сочикбоп тўқималарни ишлаб чиқариш “NT HOME TEXTILE” МЧЖ корхоналарида жорий этилган (“O’zto’qimachilik sanoat” уюшмасининг 2022 йил 06 январдаги №03/25-159 сонли маълумотномаси). Натижада юқори эксплуатацион хусусиятларга эга янги тузилишдаги вафел ўрилишли сочикбоп тўқималар ишлаб чиқариш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та илмий-техник конференцияларда, шу жумладан 7 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжумаларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола нашр этилган, шундан 2 та мақола хорижий журналларда чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг дастурий маҳсулотига 2 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, чоп этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот мавзуси бўйича олиб борилган адабиётлар шарҳи, илмий тадқиқотлар таҳлили ҳамда вазифаларнинг кўйилиши”** деб номланган биринчи бобида мамлакатимиз тўқувчилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган сочикбоп матолар турларини кўпайтириш ва улар сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш мақсадида вафел ўрилишли сочикбоп тўқима матолари тузилиши ҳамда уларни сифат кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларга оид адабиётлар таҳлили ёритилган. Шунингдек, тадқиқот мақсадига мувофиқ ҳолатда, тўқув дастгоҳида танда ипларининг таранглиги, тўқима ҳосил бўлиши, тузилиши ва сирт кўринишига таъсир этувчи асосий омиллардан бири сифатида тўқув дастгоҳларида танда ипларининг таранглик-деформация ҳолатини тадқиқ қилишга бағишланган хорижий ва мамлакатимиз олимлари илмий тадқиқотлари ҳам шарҳланган. Вафел ўрилишли сочикбоп тўқималарнинг ассортиментини кенгайтириш, уларни ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги, қўлланилиши, афзаллик ва камчиликлари тўғрисида илмий тадқиқотлар жуда қисқа ва кам олиб борилганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилиб, ишнинг мақсади ва адабиётлар таҳлили асосида тадқиқот вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг **“Вафел ўрилиши қопланишларини ўзгартириш ҳисобига тўқима хусусиятларини яхшилаш”** деб номланган иккинчи боби вафел ўрилишли матоларнинг ўзига хос хусусиятлари, мавжуд вафел

Ўрилишлари асосида кўп қиррали вафел ўрилиши таркибини ишлаб чиқиш, кўп қиррали вафел ўрилиши тўқималарнинг технологик кўрсаткичлари, тўқималарнинг физик-механик хоссалари, тўла омилли тажрибани ўтказиш орқали олинган моделларни баҳолаш ва уларни таҳлил қилишга бағишланган.

Маълумки, вафел ўрилишлари ромбсимон саржа ўрилиши асосида тузилади. Ромб шаклидаги ўрилишларда энг кичик раппорт $R_T = R_a = 8$ га тенг бўлиб, бу ўрилиш саржа $C 1/4$ ўрилиши асосида ҳосил қилинади. Бунда танда ва арқоқ бўйича раппорт қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$R_{T,A} = 2R_{ac} - 2 \quad (1)$$



$R_{T,A}$ –ўрилишнинг танда ва арқоқ бўйича раппорти, ип;

R_{ac} – берилган асос ўрилиш раппорти, ип.

У ҳолда саржа $1/4$ асосида тузилган амалдаги вафел ўрилиши учун:

$$R_{T,A} = 2R_{ac} - 2 = 2 \cdot 5 - 2 = 8 \text{ ип}$$

Ушбу ўрилишнинг тўла тахтлаш дастури ва тўқиманинг электрон микроскоп остида кўриниши (1-расм) келтирилган.



а)

б)

а) ўрилишнинг тўла тахтлаш дастури

б) амалдаги намунанинг CELESTRON электрон микроскоп орқали кўриниши.

1-расм. Амалдаги вафел ўрилиши сочиқбоп тўқима тасвири.

Диссертация ишида сочиқбоп тўқима сифат кўрсаткичларини, айниқса, гигроскопиклиги, ишқаланишга чидамлилиги ва вафел қирралари аниқлигини ошириш мақсадида вафел ўрилиши таркибига танда ва арқоқ йўналишида марказдаги қопланишлар қаторини киритиш орқали янги кўп қиррали вафел ўрилиши таклиф этилди.

Ушбу усулда вафел ўрилишни тузиш учун берилган 1-формуладан фойдаланамиз. Формулага ўрилишдаги марказда жойлашган кўшимча қопланишлар сони қўшилади. Буни танда ёки арқоқ бўйича ва иккала йўналишда ҳам қўшиш мумкин. Унда юқоридаги формула қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$R_{T,A} = (2R_{ac} - 2) + H_{T,A} \quad (2)$$

$H_{T,A}$ – ўрилиш марказидаги танда ва арқоқ йўналишида оширилган қопланиш қаторлари сони.

Амалдаги саржа 1/4 асосидаги вафел ўрилиши танда йўналишига марказдаги қопланишлар қаторларини 1 та қўшиб киритиб, 1-вариант ўрилишини ҳосил қиламиз. Ўрилиш кўрсаткичларини ҳисоблаш қуйидагича бўлади:

$$R_T = (2R_{ac} - 2) + H_{Tan} \quad (3)$$


$$R_T = (2 \cdot 5 - 2) + 1 = 9$$

$$R_A = 2R_{ac} - 2 = 2 \cdot 5 - 2 = 8$$

1-вариант кўп қиррали вафел тўқима 2-расмда кўрсатилган.

5					0		
4				0		0	
3			0				0
2		0					
1	0	0					

				x			
			x		x		
		x		x	x	x	
	x		x	x	x		x
x		x	x	x	x	x	
1	2	3	4	5	6	7	8



8									
7									
6									
5									
4									
3									
2									
1									
	1	2	3	4	5	6	7	8	9

а)

б)

а) ўрилишнинг тўла тахтлаш дастури. б) намунанинг CELESTRON электрон микроскоп орқали кўриниши.

2-расм. Танда йўналишида қўшимча қопланиш қаторлари оширилган вафел ўрилишли тўқима тасвири.

Шунингдек, амалдаги вафел ўрилиши арқоқ йўналишига марказдаги қопланишлар қаторларини киритиш ҳисобига олинган 2-вариант ўрилишнинг ҳисоби қуйидагича бўлади:

$$R_A = (2R_{ac} - 2) + H_{Ap} \quad (4)$$


$$R_A = (2 \cdot 5 - 2) + 1 = 9$$

$$R_T = 2R_{ac} - 2 = 2 \cdot 5 - 2 = 8$$

2-вариант кўп қиррали вафел ўрилишли тўқима тасвири 3-расмда келтирилди.

5				0				
4			0		0			
3		0				0		
2	0						0	0
1	0							

				x	x			
			x			x		
		x		x	x		x	
	x		x	x	x	x		x
x		x	x	x	x	x	x	x
1	2	3	4	5	6	7	8	9



б)

9								
8								
7								
6								
5								
4								
3								
2								
1								
1	2	3	4	5	6	7	8	9

а)

а) ўрилишнинг тўлиқ тахтлаш дастури. б) намунанинг CELESTRON электрон микроскоп орқали кўриниши.

3-расм. Арқоқ йўналишида кўшимча қопланиш қаторлари оширилган вафел ўрилишли тўқима тасвири.

Амалдаги вафел ўрилишининг ҳам танда, ҳам арқоқ йўналишига марказдаги қопланишлар қаторларини киритиш ҳисобига ҳосил қилинган 3-вариант ўрилишининг ҳисоби қуйидагича амалга оширилади:


$$R_{T,A} = (2R_{ac.} - 2) + H_{Tan.Ap.} \quad (5)$$

$$R_T = R_A = (2 \cdot 5 - 2) + 1 = 9$$

3-вариант кўп қиррали вафел ўрилишининг тўла тахтлаш тасвири 4 - расмда кўрсатилган.

5				0				
4			0		0			
3		0				0		
2	0						0	
1	0	0						

				x	x			
			x			x		
		x		x	x		x	
	x		x	x	x	x		x
x		x	x	x	x	x	x	x
1	2	3	4	5	6	7	8	9



б)

9								
8								
7								
6								
5								
4								
3								
2								
1								
1	2	3	4	5	6	7	8	9

а)

а) ўрилишни тўлиқ тахтлаш дастури.

б) намунанинг CELESTRON электрон микроскоп орқали кўриниши.


4-расм. Танда ва арқоқ йўналишида марказдаги қопланиш қаторларини ошириш орқали ҳосил қилинган кўп қиррали вафел ўрилишли тўқима тасвири.

Юқоридаги тасвирлар асосида вафел ўрилишли амалдаги сочикбop тўқима тасвири янги кўп қиррали вафел ўрилишли синов намуналари тасвирлари билан таққосланди. Амалдаги сочикбop тўқима тасвирида вафел қирраларининг аниқлиги деярли сезилмайди. Танда йўналишида кўшимча қопланиш қаторлари оширилган вафел ўрилишли намуна тасвирида вафел қирралари танда бўйича нисбатан анча аниқ ва қалинроқ эканлигини кузатиш мумкин. Арқоқ йўналишида кўшимча қопланиш қаторлари оширилган вафел ўрилишли намуна тасвирида эса, арқоқ йўналишида вафел қирралари чуқур жойларга нисбатан аниқ акс этганлигини кузатиш мумкин. Танда ва арқоқ йўналишида марказдаги қопланиш қаторларини ошириш орқали ҳосил қилинган кўп қиррали вафел ўрилишли намуналарнинг тасвирида эса, вафел қирралари ҳам танда бўйича, ҳам арқоқ бўйича нисбатан аниқ ва анча қалин бўлганлиги сабабли кўп қиррали эканлиги кузатилган.


Янги кўп қиррали вафел ўрилишини танда ва арқоқ йўналишида марказдаги қопланишлар қаторларини ошириш орқали ҳосил қилинган кўп қиррали вафел ўрилишлар (2, 3, 4-расмлар) асосида “VAMATEX” русумли тўқув дастгоҳида тўқималарнинг синов намуналари ишлаб чиқарилди. Амалдаги ва янги намуналарнинг сифат кўрсаткичлари ўзгаришига иплар чизикли зичлиги ва тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича зичлигини таъсирини камайтириш учун барча намуналар тандаси учун 18,5x2 тексли, арқоғи учун 27 тексли пахта иплари асосида, тўқиманинг танда бўйича зичлиги 270 ип/10см, арқоқ бўйича зичлиги эса 200 ип/10см қилиб ишлаб чиқарилди. Шунингдек, замонавий VAMATEX тўқув дастгоҳида кўп қиррали вафел ўрилишлари учун электрон дастур ишлаб чиқилди.

Синов намуналарининг мустаҳкамлиги, узилишдаги узайиши, ҳаво ўтказувчанлиги, ишқаланишга чидамлилиги ва капиллярлигини аниқлашга оид синов тажрибалари ўтказилди ва амалдаги вафел ўрилишли сочикбop тўқималар билан қиёсий таққосланди.

Сочикбop тўқималар учун энг асосий сифат кўрсаткичларидан бири капиллярлиги ҳисобланади. Синов намуналарининг танда ва арқоқ йўналишида капиллярлигини 30 дақиқа давомида аниқлаш бўйича тадқиқот натижалар қуйидаги (5-6-расм) графикларда келтирилди.



5-расм. Намуналарнинг капиллярлиги (танда бўйича) графиги.



6-расм. Намуналарнинг капиллярлиги (арқоқ бўйича) графиги.

Намуналарни танда бўйича капиллярлик кўрсаткичи амалдаги ва 2-намуна кўрсаткичлари ўзаро яқин, (11,8 см). Графикда 1-намуна 12 смгача сув шимган, раппортга арқоқ йўналиши бўйича қопланишлар қаторини қўшилганлиги билан изоҳланади. 3-намуна 30 дақиқа вақт мобайнида 15,6 смгача сув шимувчанлик қобилиятига эга бўлиб, капиллярлик кўрсаткичи энг юқорилигини кўриш мумкин. Намуналарни арқоқ бўйича капиллярлик графигидан (6-расм) ҳам, 3-намунанинг сув шимувчанлик қобилияти қолган намуналарга қараганда юқори 13,6 смгача, амалдаги тўқимада бу кўрсаткич 10,6 смни ташкил қилади. 3-намунада танда ва арқоқ йўналишида капиллярлик кўрсаткичининг фарқи танда ва арқоқ иплари чизиқли зичликларининг фарқи билан изоҳланади.

Синов намуналарининг бошқа сифат кўрсаткичларини аниқлашга оид тадқиқот иши натижалари диссертацияда батафсил келтирилган.

Тадқиқот жараёнида янги кўп қиррали вафел ўрилишли сочикбоп тўқималарни энг мақбул вариантини аниқлаш мақсадида тўқима сифатини комплекс баҳолаш диаграммаси ва гистограммасидан фойдаланилди.


Комплекс баҳолаш манбаси сифатида тадқиқот олиб борилган корхонада ишлаб чиқарилаётган вафел ўрилишли сочикбоп тўқима ва 3 хил намунадаги янги кўп қиррали вафел ўрилишли сочикбоп тўқималарни технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятлари, ҳаво ўтказувчанлигини, ишқаланишга чидамлилигини, капиллярлиги каби кўрсаткичлари кўриб чиқилди.

Комплекс баҳолаш кўрсаткичлари мезони асосида ГОСТ талаби бўйича энг яхши ўрганилган кўрсаткичларни ифодаловчи энг катта контур - доирани ифодалайди. Комплекс баҳолаш диаграммасини қуриш учун вафел ўрилишли сочикбоп тўқима ва 3 хил намунадаги янги кўп қиррали вафел ўрилишли сочикбоп тўқималарнинг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларидан олинган натижалар асосида амалган оширилди.

Янги кўп қиррали вафел ўрилишли сочикбоп тўқималардан юқори сифатли намунасини аниқлаш учун кўрсаткичларни комплекс баҳолаш диаграммасидан фойдаланилди. Комплекс баҳолаш диаграммасида сифат

кўрсаткичлари уни ташки контури вафел ўрилишли сочикбоп тўқималар юқори сифат кўрсаткичларига эга эканлигини кўрсатади. Қурилган диаграммада контур чизиклари қанча ташқарига яқин бўлса, вафел ўрилишли сочикбоп тўқималарининг сифати шунча яхши бўлади. Таҳлил натижалари асосида вафел ўрилишли 8 қиррали танда қопламлари кучайтирилган 3 намуна тўқимасини кўрсаткичлари юқори эканлиги тасдиқланди (7-расм).

Вафел ўрилишли сочик маҳсулотларининг гигроскоплиги энг муҳим хоссаларидан бири ҳисобланади. Чунки сочик тўқимаси ўзига сувни шимиши ва чиқиши орқали ўзига инсон қўлини ёки намликни олиш орқали белгиланган мақсадга эришиш мумкин.



7-расм. Кўп қиррали вафел ўрилишли сочикбоп тўқима хусусиятларини комплекс баҳолаш диаграммаси.

Диаграммадан амалдаги ва янги кўп қиррали вафел ўрилишли сочикбоп тўқималарнинг комплекс баҳолаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинганда, энг юқори сифат кўрсаткичлари 3-намуна, яъни, танда ва арқоқ йўналишида марказдаги қопланиш қаторларини ошириш орқали ҳосил қилинган кўп қиррали вафел ўрилишли намунага тегишли эканлиги кўринади.

Технологик параметрларни муваффақиятли бошқариш ва уларни оптималлаштириш учун жараённинг баъзи сифат жиҳатлари алоҳида ўрин тутуди. Оптималлаш тажрибани кўп омилли режалаштириш ёрдамида амалга оширилди.

Қиймати бўйича оптималлаштирилиши талаб этилаётган кирувчи параметрлар:

x_1 – ўрилишнинг танда бўйича раппорти.

x_2 – ўрилишнинг арқоқ бўйича раппорти.

x_3 – тўқима гулибурчакларининг сони.

Чикувчи параметр сифатида қуйидаги кўрсаткичлар танлаб олинди:

Y_1 - тўқиманинг ҳаво ўтказувчанлиги, ($\text{см}^3/\text{см}^2/\text{секунд}$)

Y_2 - тўқиманинг ишқаланишга чидамлилиги, (цикл)

Y_3 - тўқиманинг узиш кучи, (сН)

Омилларнинг вариация чегаралари аниқланди ва қуйидаги жадвалга киритилди.

1– жадвал

Табий қийматдаги омиллар сатҳлари жадвали

Вариациялаштирилган омиллар	Пастки даражаси	Юқори даражаси	Вариация оралиғи
Ўрилишнинг танда бўйича раппорти	5	11	3
Ўрилишнинг арқоқ бўйича раппорти	5	11	3
Тўқима гули бурчакларининг сони	4	8	2

Тўқимани ҳаво ўтказувчанлиги бўйича регрессия тенгламаси қуйидагича:

$$Y_1 = 62,51 + 7,34x_1 + 7,29x_2 + 2,81x_1x_2 - 3,81x_1x_3 - 3,56x_2x_3 - 3,39x_1x_2x_3(1)$$

Тўқимани ишқаланишга чидамлилиги бўйича тадқиқот натижаларига ишлов берилди ва қуйидаги регрессия тенгламаси олинди:

$$Y_2 = 8463 - 183,25x_1 - 273,5x_2 - 77,5x_3 - 148,75x_1x_2 + 13x_2x_3 - 8,25x_1x_2x_3(2)$$

Тўқимани узиш кучи бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига ишлов бериш асосида қуйидаги регрессия тенгламаси олинди:


$$Y_3 = 507,81 - 13,29x_1 - 17,99x_2 + 15,21x_3 + 13,61x_1x_2 - 2,34x_1x_3 + 8,81x_2x_3 (3)$$

Математик моделлаштириш ёрдамида олинган регрессион моделларни таҳлил қилиб, биринчи ва иккинчи кирувчи омил ўрилишнинг танда арқоқ бўйича раппорти биринчи чикувчи омилга юқори қийматларида ишқаланиш ва узиш кучи бўйича эса кичик раппортларда яхши натижа олинганлигини кўришимиз мумкин. Учинчи омил тўқимани гули бўйича қирралари сони минимал қийматларида ҳаво ўтказувчанлик ва ишқаланишга чидамлилигини яхши бўлганлагини, узиш кучи бўйича қирралар сони кўп бўлганда, энг яхши натижага эришилди. Математик моделлар таҳлили асосида тўқиманинг раппорти $R_a=8$, $R_t=9$, ёки $R_a=9$, $R_t=8$, тўқима гулининг бурчаклари сони эса 6 та бўлганда моделнинг чикувчи омили сифатида олинган ҳаво ўтказувчанлик, ишқаланишга чидамлилиги ва узиш кучи бўйича оптимал қийматга эришилган.

Диссертациянинг “**Вафел ўрилишли сочиқбоп тўқималар ишлаб чиқаришда тўқув дастгоҳида танда ипи таранглиги ўзгаришини амалий тадқиқи**” деб номланган учинчи бобида ип таранглигининг тўқув жараёни ва тўқима тузилишига таъсири, тўқувчилик жараёнида ипнинг эгилишдаги

қаттиқлиги, вафел ўрилишли сочиқбоп тўқималар ишлаб чиқаришда танда ипи таранглиги ўзгаришининг амалий тадқиқига бағишланган.

Мазкур тадқиқот ишида тўқув дастгоҳида уч хил намунадаги тўқилаётган вафел сочиқ тўқималари ипларининг турли кучланиш нуқталаридан аниқлаш мақсадида махсус 5 кг кучланишга эга тензодатчик, аналог - рақамли ўзгартиргичдан (HX711) иборат янги кўринишда махсус жамланма кўринишдаги дастурлашган (8-расм б, в) таранглик ўлчагич мосламасини (8-расм а) яратиб, мазкур қурилмадан фойдаланилди.



8-расм. Танда иплар таранглиги махсус дастур асосида электрон ўлчовчи мослама



9-расм. Тўқув дастгоҳларида танда иплар таранглигини махсус дастур асосида электрон ўлчовчи мослама ва уни схемаси

Таклиф этилаётган мослама тўқув дастгоҳларида танда ипларининг таранглик кучларини турли ҳудудларда ўзгаришини аниқ ўлчаш имкониятини беради (9-расм).

Электрон тензометр техник хусусиятлари:

Ўлчов диапазони: 5 кг гача;

Материал: алюминий;
 Узунлиги: 180 мм;
 Улаш ҳарорати: -20°C дан $+65^{\circ}\text{C}$ гача;
 Оғирлиги: 28 г;
 Ўлчамлари: 80 x 13 x 13 мм.

Сенсор ичидаги кучланиш ўлчагичларнинг чиқиш қаршилиги ўлчаш элементининг деформациялари миқдорига мутаносибдир. Деформация ўлчагичнинг чиқишидаги қаршилик қийматини иккилик кодга айлантириш учун НХ711 аналог-рақамли конвертор ишлатилади. НХ711нинг техник хусусиятлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

НХ711 аналог-рақамли конверторнинг асосий техник хусусиятлари

№	Техник хусусиятлар	Кўрсаткичлар
1.	Таъминот кучланиши	6-5,5 В
2.	Иш кучланиши	5 В
3.	Деформация ўлчагични улаш каналлари сони	2
4.	Кучланиш билан дифференциал кириш	± 40 мВ
5.	Ўлчаш частотаси	80 Hz
6.	Ишлаш оқими	10 МА
7.	АДС сигими	24 бит
8.	Ўлчовлар частотаси	Сонияда 10 ёки 80 марта

Амалий тадқиқотлар, тўқув дастгоҳидаги танда ипларининг таранглик кучини тензометрга ўрнатилган махсус мослама ёрдамида аниқлашда ипга қўйилган дастлабки таранглик кучларини тўқув дастгоҳининг икки нуктасида олиб борилди. Биринчи нуктаси тўқув ғалтагидан скалогача бўлган оралик, иккинчи нуктаси скалодан ламелгача бўлган масофада ўрнатилди. Шунингдек, танда иплар тарангликлари барча худудларини ўрганиш мақсадида, ҳар бир нукта учга бўлиб ўрганилди. Яъни тўқув ғалтагининг ўнг ва чап қирғоқлари ҳамда ўртадаги танда иплари тарангликлари таҳлил этилган.

Ўтказилган тадқиқотнинг асосий мақсади, тўқув дастгоҳларида танда ипларнинг таранглик кучини муайян вақт оралиғида уларнинг таранглик қийматлари ўртасидаги тафовутни амалий тарзда аниқлаш ва шу орқали тўқув дастгоҳининг технологик параметларини оптималлаштиришдан иборат эди. Шу мақсадда ўтказилган тажрибаларнинг барчасида 60 секунд вақт ичидаги танда ипларнинг таранглик миқдорлари фарқларини аниқлаб, таҳлил қилинди. Тажрибалар давомида уч хил вафел ўрилишли сочиқбоп матоларнинг танда иплари таранглигининг ўзгаришлари тўқув дастгоҳларида синовлардан ўтказилган.

Диссертациянинг “Янги ўрилишли сочиқбоп вафел ўрилишли матолар ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш” деб номланган тўртинчи бобида VAMATEX маркали тўқув дастгоҳида янги

вафел ўрилишли сочикбоп матолар учун тўқувчилик ишлаб чиқаришининг техник-иқтисодий асослари келтирилган.

Иқтисодий самарадорликни ҳисоблашда “ART Soft Tex” МЧЖ Чаманзор филиали корхонасида ишлаб чиқарилаётган вафел сочик маҳсулотлари янги ўрилишининг амалиётга жорий этиш натижаларидан фойдаланилди. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида корхонада олинадиган йиллик иқтисодий самара 545361400 сўмни ташкил этди. (беш юз қирқ беш миллион уч юз олтимиш бир минг тўрт юз сўм)

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Вафел ўрилишли сочикбоп матолар харидорғирлиги, гигиеник мақсадларда кенг фойданилишини ҳисобга олиб, уларнинг янги турлари устида илмий изланишлар олиб бориш зарурати аниқланди.

2. Амалдаги сочикбоп тўқималар учун қўлланилаётган вафел ўрилиши асосида янги кўп қиррали ўрилишлар таркиби ишлаб чиқилди ва ўрилиш рапортини ҳисоблаш формуласи такомиллаштирилди. Уч хил намунадаги сочикбоп вафел ўрилишли тўқиманинг VAMATEX-190 тўқув дастгоҳида ишлаб чиқариш учун махсус дастур тузилиб, ушбу дастурга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк ағетлигининг №DGU 20214218 рақамли гувоҳномаси олинди.

3. Электрон микроскоп остидаги тасвирлар кўп қиррали вафел ўрилишли синов намуналари амалдагига нисбатан вафел уячаларининг муайян ва аниқ қиррали шаклларга эга эканлигини кўрсатди. Тадқиқот жараёнида амалдаги тўқиманинг ҳажмий зичлиги $0,064 \text{ мм/мм}^3$ ташкил этган бўлса, тавсия этилаётган кўп қиррали вафел ўрилишларнинг 3 намунадаги тўқиманинг ҳажмий зичлиги $0,083 \text{ мм/мм}^3$ ташкил этганлиги аниқланди.

4. Вафел ўрилишли сочикбоп тўқималарнинг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятлари тадқиқ қилинди ва комплекс баҳоланди. Тадқиқот натижаларига кўра, кўп қиррали вафел ўрилишли 3-намунанинг ишқаланишга чидамлилиги амалдаги тўқимага нисбатан 12,3 % ошган, капиллярлиги танда бўйича 18% га, арқоқ бўйича 22 % га ошганлиги аниқланди.

5. Синов намуналарининг ҳаво ўтказувчанлиги, ишқаланишга чидамлилиги, узиш кучи бўйича регрессион моделлар тузилди. Ўрилиш рапорти $R_A=8$, $R_T=9$, ёки $R_A=9$, $R_T=8$, тўқима гулининг бурчаклари сони эса 6 та бўлганда ҳаво ўтказувчанлик, ишқаланишга чидамлилиги ва узиш кучи бўйича оптимал қийматга эришилган.

6. Тўқувчилик жараёнида танда иплари деформациясини ҳисобга олиб, ипнинг эгилишдаги қаттиқлигини аниқловчи формула таклиф этилди. Формула эгилиш қаттиқлиги паст бўлган иплар учун тавсия қилинади.

7. Тўқув дастгоҳида тахтлаш таранглиги қиймати ипнинг хоссаларига боғлиқ бўлиб, тўқима тузилиши ва сирт кўринишига таъсир этишини ҳисобга

олиб, янги ассортимент ишлаб чиқаришда тахтлаш таранглигининг мақбул қийматини тажриба орқали аниқлаш зарур.

8. Тўқув дастгоҳида танда ипларининг таранглик миқдорлари юқори аниқликда ўлчаш имкониятига эга бўлган ўлчаш мосламаси яратилди. Мосламага Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк ағетлигининг №DGU 20211750 рақамли гувоҳномаси олинди. Мослама ёрдамида тўқув дастгоҳининг икки нуктасида, тўқув ғалтагидан скалогача ва скалодан ламелгача бўлган масофада танда иплар таранглик кўрсаткичлари ўрганилди ва таҳлил этилди.

9. Ўтказилган тажрибалардан сифатли сочиқбоп матони ишлаб чиқариш учун тўқув дастгоҳидаги кўйидаги параметрлари оптималлаштирилган:

– тўқиш жараёнида танда иплари таранглиги биринчи нуктада $F=31,95(\text{сН})$, иккинчи нуктада эса $F=30,95(\text{сН})$ бўлиши ва узуклар сони 66% камайганлигини инобатга олиб, ушбу кўрсаткич оптимал таранглик деб олинди;

– ҳомузада танда ипларининг юқори қисмдаги деформацияси $\lambda_{\text{ю}}=7,33$ мм, пастки қисмдаги деформацияси $\lambda_{\text{п}}=4,16$ мм ташкил этди;

– Vamatex-190 тўқув дастгоҳида танда иплари таранглигини оптимал ҳолати, скало – грудница билан тенг ҳолатда жойлаштирилганда бўлиши аниқланди.

10. Тадқиқот натижасида корхонадан олинадиган йиллик иқтисодий самара 545,3614 млн. (беш юз қирқ беш миллион уч юз олтмиш бир минг тўрт юз) сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 03/30.12.2019. Т.66.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

АКРАМОВ АБДУВАЛИ МАМАТХОНОВИЧ

**ОПТИМИЗАЦИЯ ПАРАМЕТРОВ ПРИ ВЫРАБОТКЕ ВАФЕЛЬНЫХ
ТКАНЕЙ НА ТКАЦКОМ СТАНКЕ**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов и
первичная обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/T1645.

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен в веб-сайте Наманганского инженерно-технологического института (www.nammti.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Ахунбабаев Охунжон Абдурахманович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Холиков Курбонали Мадаминович
доктор технических наук, профессор

Дониёрова Маглуба Адашбоевна
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Анджиданский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится «26» марта 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD 03/30.12.2019.Т.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115., г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75. e-mail: nci_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована за № 454). Адрес: 160115., г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан «14» марта 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 67 от «14» марта 2022 года).



Р.М.Муродов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Х.Т.Бобожанов

член секретариата научного совета по присуждению ученых степеней д.т.н., доцент

К.М.Холиков

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Производство тканей для полотенец и применение новых технологий в этих процессах занимает одно из ведущих мест на мировом рынке текстильной продукции. Ежегодно в мире выпускается более 108,3 млн.м² текстильных тканей, что составляет 4% всего рынка текстильной продукции¹. Текстильная промышленность высокими темпами развивается в Восточной и Южной Азии, СНГ, США и в странах Европейского региона. В связи с этим в развитии текстильной промышленности важное значение приобретают такие показатели, как повышение качества и конкурентоспособности продукции, совершенствование технологических процессов, расширение ассортимента текстильной продукции, решение вопросов рационального использования местного сырья.

В мировой практике повышается значение увеличения количества видов выпускаемых тканей и совершенствование технологии их производства. В связи с этим проводятся научные исследования по широкому использованию технологических возможностей ткацких станков, автоматизации технологических процессов, повышению производительности ткацкого станка, совершенствованию механизмов ткацкого станка, добавлению дополнительных элементов в структуру ткани и улучшению ее свойств и качества. Для решения этих задач ученые и специалисты текстильной отрасли особое внимание уделяют внедрению ресурсосберегающих технологий при производстве новых тканей, эффективному использованию технологических возможностей ткацких станков и выпуску конкурентоспособной, перспективной готовой продукции из местного сырья.

Приняты масштабные меры и достигнуты определенные результаты по модернизации текстильной промышленности, снижению трудоемкости и энергозатрат в отрасли, расширению технологических возможностей ткацких станков на основе создания новых способов выработки текстильных изделий с измененной структурой, увеличению ассортимента выпускаемых тканей и повышению их качества.

В Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлены важные задачи, в том числе «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, ...снижение энерго и ресурсоемкости в экономике, ...широкое внедрение энергосберегающих технологий в производство...»².

При выполнении этих задач особое значение приобретают производство импорто замещающей и экспорто ориентированной, конкурентоспособной, качественной хлопчатобумажной продукции за счет реализации Кластерной

¹ <https://data.world/imf/international-financial-statis>

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

модели развития, включающей эффективное и полное использование местного сырья, а также интеграцию производство текстильной продукции с высокой добавленной стоимостью.

Диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП-4186 от 12 февраля 2019 года «О мерах по дальнейшему углублению реформ и расширению экспортного потенциала текстильной и швейно-трикотажной промышленности», № ПП-4453 от 16 сентября 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию легкой промышленности и стимулированию производства готовой продукции» и № ПФ-5989 от 5 мая 2020 г. «О неотложных мерах поддержки текстильной и швейно-трикотажной промышленности» а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники в Республике. Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетных направлений развития науки и техники республики П. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Вопросы изучения технологических процессов выполняемых на ткацких станках, структуры вырабатываемых тканей, их проектирования и оптимизация технологических показателей рассмотрены в работах зарубежных ученых M.Herty, P.J.Pothoff, W.Renkens, S.A.Sharzehee, В.А.Гордеев, П.Т.Букаев, Э.А.Оников, Н.Г.Новиков, О.С.Кутепов, Ю.Ф.Ерохин, С.Д.Николаев, А.А.Мартынова, Н.Р.Сурнина, С.В.Ломов, М.В.Горячев, Г.Б.Дамянов, Г.И.Линуаева, Г.В.Степанов и другие.

В нашей стране ученые Э.Ш.Алимбаев, Х.А.Алимова, Ф.А.Велиев, О.А.Ахунбабаев, А.Д.Даминов, С.А.Хамраева, Ф.Н.Валиев, П.С.Сиддиқов, Б.Х.Баймуратов, Д.Н.Қодирова, Б.К.Хасанов, С.С.Рахимходжаев и другие также проводили исследования по вопросам технологии ткачества, структуре тканей и оптимизации параметров производства тканей.

Анализ проведенных исследований показал, что процессы увеличения ассортимента тканей, особенно с вафельным переплетением, анализ их свойств, исследования закономерностей изменения натяжения основных нитей в процессе выработки тканей с вафельным переплетением теоретически и практически изучены недостаточно.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательской деятельности вуза, в котором завершена диссертация.

